

WAYS TO ORGANIZE FINANCIAL SOURCES IN THE FIELD OF UTILITY SERVICES IN THE DIGITAL ECONOMY

S B Bobokulov

Assistant of SamSU

ferdu_www@mail.ru +998941891989

Annotation: This article presents the author's views on the organization of financial resources in the field of public utilities in the digital economy, as well as proposals and recommendations.

Keywords: utility system, utility, service, finance, financial source, housing company, mechanism, waste recycling, water supply, smart home, heat supply.

Хозирги шароитдаги коммунал хизматлар соҳасидаги хусусийлаштириш жараёнининг кучайиши, мулкчиликнинг жамоа шаклиниң тараққиёт топишидадир. Уй-жой коммунал хизмат хўжалиги молиявий ресурсларини фақат қиймат категорияси сифатида тушуниш самарали тадбиркорлик фаолияти учун уларни аҳамиятини тўла акс эттирмайди. Шунга кўра, уй-жой коммунал хизмат хўжалиги молиявий ресурслари мазмунини уларнинг ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб китоб қилишларига ҳамда такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишга имкон берувчи пул маблағларининг йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев тамонидан қабул қилинган “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукumatни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сон қарорида “2023-йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушкини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш” деб таъкидлагани коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий манбаларни ташкил қилишда рақамлаштириш устувор вазифа эканлигини кўришимиз мумкун.

Иқтисодчи олим И.Т.Балабановнинг «Хўжалик юритувчи субъект молиявий ресурсларини унинг ихтиёрида мавжуд бўлган пул маблағлари ташкил этади» деган фикрга қўшилиш мумкин. Молиявий ресурслар моҳиятини шундай талқин қилишнинг яна бир эрқин мисолини Э.А.Козловская каби муаллифлар фикрида кўриш мумкин “Корхонанинг

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232


www.journalnx.com

молиявий ресурслари – унинг ихтиёрида бўлган ва турли молиявий мажбуриятларини бажариш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш бўйича ва ходимларни иқтисодий рағбатлантириш бўйича ҳаражатларни амалга оширишга қаратилган пул даромадлари ва тушумларидир”. Бироқ, шунга алоҳида эътибор бериш лозимки ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида “пул маблағлари” тушунчаси остида корхонанинг бевосита унинг кассаси ва банкдаги ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ҳамда қимматбаҳо қоғозларда “фойдаланувчи қисқа муддатли юқори ликвидли сармоялар сифатидаги пул эквивалентлари” тушунилади.

Молиявий ресурсларининг дастлабки шаклланиши уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари таъсисчилари томонидан унинг устав фонди ташкил этилаётган вақтга тўғри келади. Ҳозирги шароитда уй-жой ширкатлар пай бадаллари асосан уй-жой эгалари қўйилмалар ҳисобига шакллантирилганлигидадир. Уй-жой хўжаликларининг устав фондини ташкил топиши манбаига хўжалик юритишнинг ташкилий-хукуқий шаклига қўра куйидагилар киради;

- шахсий жамғармалар;
- ҳиссадорлик капитали;
- ширкатлар ёки маъсулияти чекланган жамиятлар аъзоларининг пай бадаллари;
- бюджет маблағлари, узоқ муддатли кредит.

Уй-жой коммунал хўжаликлари, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўз ичига қамраб олади (1-расм).



1-расм. Уй-жой коммунал хўжалигини молиявий таъминлаш хусусиятлари

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

Хусусийлаштириш жараёнининг уй-жой коммунал хизматлар тизимида амалга оширилиши натижасида мазкур соҳанинг айрим муассасаларида молиявий ресурсларидан ўз-ўзини молиялаштириш тамоиллари асосида шакллантириш механизми амал қила бошлади.

Молиявий ресурсларининг энг асосий манбаи сифатида бюджет маблағлари билан биргалиқда, ўз-ўзини молиялаштириш тамоили асосида ташкил этиладиган маблағлар салмоғи ҳам ортиб бормоқда.

Мамалакатимиз Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 24-апрелда қабул қилинган “2017-2021 йилларда қўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорига биноан республикамиздаги қўп хонадонли уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш - тижорат банклари кретидлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг хисобваракларида алоҳида тўпланадиган ўз маблағлари, халқаро молия институтлари кредитлари ҳамда лизинг ҳисобидан молиялаштириш манбалари этиб берилиши хусусий уй-жой ширкатлари фаолиятини янада ривожланишини соҳада инновацион технологиялрни қўлланишини, ахолигига сифатли коммунал хизмат кўрсатишига замин яратди.

Ушбу қарорга мувофиқ биргина Самарқанд шаҳар миёсида амалга ошириладиган ишлар коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси молиявий манбаларини ошишига олиб келишини ҳамда ахолига коммунал хизмат сифатини юксалишини кўришимиз мумкун (1-жадвал).

1-жадвал 2017-2021 йилларда қўп хонадонли уй жой фондининг умумий

фойдаланадиган жойларнинг мукаммал ва жорий таъмирлаш параметрлари

Худуд номи	Жами қўп қаватли уйлар сони	Шундан таъмирланадиган уйлар сони	Жами сарфланадиган маблағлар сони (млн сўм)
Самарқанд шаҳар	1024	1024	60031
Шу жумладан			
2017 йил	1024	319	14484
2018 йил	1024	308	14011
2019 йил	1024	186	12521
2020 йил	1024	101	8988
2021 йил	1024	110	10027

Жадвал маълумотларидан шуни таҳлил қилишимиз мумкунки қарорга белгиланган вазифаларга мувофиқ Самарқанд шаҳар қўп хонадонли уйларни таъмирлаш мақсадида жами 60031 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб бу маблағлар имтиёзли кретидлар,

хорижий молия муассаси кредитлари, маҳаллий ҳокимят органлари маблағлари ҳамда бюжед маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Шу билан биргаликда ушбу маблағлар 2017-2021 йиллар мобайнида кўп хонадонли уй-жойларни том қисми, кириш йўлаклари, ички муҳандислик тармоқларини, уйларни фасат қисмларини таъмирлаш, реконструксия қилиш мақсадида ишлатилади. Ушбу жараён амалга ошиши натижасида кўп хонадонли уй-жойлар замон талабларига жавоб берадиган, санитария-гигиения қоидаларига, сифатли коммунал хизмат кўрсатадиган уй-жойлар тоифасига киришини кўришимиз мумкун. Фикримизча, мазкур коммунал хизмат кўрсатиш корхоналар молиявий ресурсларни шакллантиришда давлатнинг молиявий ёрдами шаклида келиб тушадиган маблағларни ҳам ўзгача сақланиб қолмоқда. Хусусийлаштирилган коммунал хўжаликлар хизматлар муассасаларида молиявий ресурсларини шакллантиришда ўз-ўзини молиялаштиришга асосланади. Шунингдек, бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳам ўсган. Юқоридаги ҳолатлардан умумий мулоҳозалар асосида қуидагича хулоса қилишимиз мумкин. Уй жой коммунал хўжалиги муассасалари кўрсатадиган хизматлар табиий монополия характеристига эга бўлганлиги ва хизматлар кенг ҳалқ истеъмоли учун ҳамда корхоналар учун кўрсатилганлиги сабабли ва шунингдек нақд пул шаклидаги тўловлар амалга оширилганлиги сабабли айланма капитал таркибидаги муомала фондлари шаклланмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича зарур қонун ва меёrlарини ишлаб чиқиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш бўйича божхона ва бошқа имтиёзлар бериш, замонавий инновацион технологиялар билан тамиnlаш компания, мавжуд молиявий маълумотларни рақамли кўринишга келтириш ва рақамлаштириш молиявий манбалардан фойдаланиш самарадорлиги учун муносиб ҳисса қўшган бўлар эди. Шунингдек, янги иш ўринлари яратилиб, хизматлар сифати юксалган ҳамда аҳоли фаровонлиги учун муносиб ҳисса қўшган бўлар эди.